

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ  
АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма хуқуқида  
УДК 33:657.62 : 628:658.155

**П А Р Д А Е В**  
**Мамаюнус Каршибоевич**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ  
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

**Ихтисослик:** 08.00.08. «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳдил ва аудит»

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини  
олиш учун диссертация

**A B T O R E F E R A T I**

**Т О Ш К Е Н Т - 2 0 0 2 .**

657.1(043.3)

п 21

Иш Самарқанд кооператив институти «Статистика ва иқтисодий таҳлил» кафедрасида бажарилган.

Расмий оппонетлар:

Жуманов О.М. - иқтисод фанлари доктори, профессор

Набиев Э.Ф. - иқтисод фанлари доктори, профессор

Санаев Н.С. - иқтисод фанлари доктори, профессор

Етакчи муассасаси:

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

Диссертация 2002 йил «26» окрель соат 15<sup>00</sup>да  
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод  
фанлари доктори илмий даражаси химояси бўйича бир марталик  
К.005.25.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган Кенгашда ҳимоя  
килинади.

Манзил: 700000 Тошкент ш. Якуб Колос кўчаси, 16-йй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2002 йилнинг «20» марти да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган

кенгаш илмий котиби,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

А. У. УСАНОВ

## I. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**1.1. Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги.** Мамлакатимиз ҳозирги пайтда туб ислоҳотлар, яъни сифат жиҳатидан янгиланиш даврини бошидан кечирмоқда. Эски тафаккур қолипларидан воз кечилиб янги муносабатлар ва янги дунёқарашлар шаклланмоқда. Бу жараёнлар республикада юз берадиган мураккаб вазиятда мушкул муаммоларни ҳал қилиш билан бирга содир бўлмоқда.

Ўзбекистонда иктисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Унинг биринчи босқичида (1991-1994 йиллар) ислоҳотлар стратегиясининг хукуқий асоси, кўпумлукчиликка асосланган иктисодиётни шакллантириш бўлса, иккинчи босқичида (1995-1999 йиллар) макроиктисодий барқарорликка эришиш, хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштириш ва рақобатбардош мухитни шакллантиришдан иборат бўлди. Ислоҳотнинг учинчи босқичида (2000-2005 йиллар) иктисодиётни эркинлаштириш, микроиктисодий барқарорликни таъминлаш эвазига мунтазам иктисодий ўсишга эришиш вазифаси қўйилган. Бу эса ўз навбатида, барча иктисодий дастакларни мазмун жиҳатидан янгиланишини тақозо килмоқда.

Иктисодий дастаклардан бири иктисодий таҳлилдир. У ҳам шаклланадиган эркин иктисодиётга мос бўлиши лозим. Зеро режали иктисодиёт шароитида мулк ҳам, фойда ҳам давлатники бўлиб, қилинган зарар ҳам давлат хисобидан қопланар эди. Таҳлил эса асосан режа бажарилишини назорат қилиш, режанинг гўғри тузулганлигини асослашга қаратилган эди. Энди эса вазият тубдан ўзгарди. Мулкнинг асосий кисми давлат тасарруфидан чиқарилиб турли мулк шаклига эга бўлган нодавлат сектори вужудга келди. 2001 йилнинг тўқиз ойи давомида саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 68,2 %, кишилек хўжалиги маҳсулотнинг 99,1 %, чакана товар айланмасининг 97,0 % нодавлат секторига тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Хўжалик юригувчи субъектларнинг 89,6 %ни нодавлат сектори, атиги 10,4 %ни давлат сектори ташкил қиласиди<sup>2</sup>. Хусусийлаштириш жараёни изчиллик билан давом этмоқда.

Натижада ҳар бир корхона ўз мулкига эга бўлди ва уни ўзлари тасарруф этидиган бўлди. Режали иктисодиёт шароитида корхонанинг ҳисоб сиёсатини давлат беялилаб берган бўлса, эндиликда бу масалани ҳам корхона ўзи мустақил ҳал қиласиди. Олдин давлат барча назоратни ўз зиммасига олиб жуда катта тафтищчилар штатини ушлаб турган бўлса, эндиликда улар ҳам барҳам топиб, мазмунан янги давлат тасарруфида бўлмаган аудиторлик хизмати ташкил топди.

Кўриниб турибдики, эндиликда иктисодий таҳлил ҳам маъмурӣ буйруқбозликтан холи бўлган, эркин иктисодиёт тамойилларига асосланган, бозор муносабатларини ўзида акс эттирган, нодавлат, асосан хусусий мулк негизида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларга мос

<sup>1</sup> Экономическое обозрение. № 11. 2001. - 46 бет.

<sup>2</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999 год. - Т.: Миниатюра. РУЗ. 2000. - 10,11 бетлар.

бўлиши лозим. Бу эса ўз навбатида янги таркиб, мазмун, мақсад ва вазифага эга бўлган эркин иқтисодиётга мос иқтисодий таҳлил фанини яратишни тақозо килади.

Шу туфайли ҳозирги пайтда мамлакатимизда барча иқтисодиётга оид фанлар, шу эркин иқтисодиётга мослаштирилиб мазмунан янгиланмокда. Хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг қонувлари қабул килинди, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг жаҳон стандартларига асосланган миллий стандартлари ва янги счетлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётига 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб босқичма-босқич жорий килинмокда. Бу эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг (корхоналарнинг) мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаш имконини бермоқда.

Мазкур ўзгариш ва жараёнлар иқтисодий таҳлил фанини ҳам эркин иқтисодиётга мослашган мазмун ва моҳияти жиҳатидан тубдан янгиланишни тақозо килмокда. Эндилиқда иқтисодий таҳлил ёюкори ташкилот (давлат) нуқтаи назаридан эмас, балки, энг аввало, мулкдор ва меҳнат жамоаси нуқтаи назаридан қараладиган бўлди. Иқтисодий таҳлил олдин асосан режанинг бажарилишини таҳлил қилишга қаратилган бўлса, эндилиқда корхонанинг фойда олиб самарали ишлашини, мулкдорнинг мулкини кўпайтиришини таъминлашга қаратилган. Бу объектив жараёнларнинг хаммаси иқтисодий таҳлилни такомиллаштириши, унинг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга мос назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини тадқиқ қилишни тақозо қиласи. Булар эса ўз навбатида мазкур тадқиқотнинг ўта долзарб мавзуга бағишлилангандигидан далолат беради.

**1.2. Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси.** Бухгалтерия ҳисоби фанининг вужудга келганига 500 йилдан ошган бўлса, шу фан асосида вужудга келган иқтисодий таҳлил фанининг шаклланганига 100 йилдан ошиди. Бунга жуда кўп йирик иқтисодчи олимлар катта ҳисса кўшдилар. Булар жумласига И.Т.Абдукаримов, М.И.Баканов, С.Б.Барнгольц, Н.В. Дембинский, В.В.Ковалёв, А.А.Курдяев, Л.И.Кравченко, И.И.Каракоз, О.Р.Кмицикевич, Б.И.Майданчак, А.И.Муроњёв, В.В.Оスマловский, В.В. Патров, В.И.Самборский, Г.В.Савицкая, В.И.Стражев, Р.С.Сайфуллин, С.К.Татур, А.Д.Шеремет, Н.Г.Чумаченко каби олимларни киритиш мумкин.

Иттифоқ даврида иқтисодий таҳлил бўйича йирик мактаблар шаклланди. Булар жумласига Москвадаги М.И.Баканов, С.К.Татур ва А.Д.Шеремет каби олимлар яратган мактабларни, Белоруссияда Л.И. Кравченко ва В.И.Стражев мактабини, Украинада И.И.Каракоз ва В.И. Самборский раҳбарлигидаги мактабларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йиларида иқтисодий таҳлилга ва унинг айrim соҳаларига бағишлиланган адабиётлар, илмий мақолалар, ўкув ва амалий кўлланмалар чоп қилинмокда. Булар жумласига Ё.Абдулаев, Э.А.Акрамов, И.Т.Абдукаримов, И.О.Волжин, Е.Ергешев, А.Иброҳимов, Б.И.Исройлов, С.Нажбиддинов, Х.А.Шоалимов, В.В.Эргашбоев, Н.Ҳасанов кабиларнинг ишларини мисол келтириш мумкин. Йқтисодий таҳлил-

нинг ахборот манбай бўлган бўхгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда аудит муаммолари билан Э.Ф.Гадоев, Н.С.Санаев, Н.Жўраев, Х.Н.Мусаев, М.М. Тўлаҳжоева, О.М.Жуманов, О.Бобоҷонов, А.Сотиболдиев, Ю.М.Иткин, А.Х.Пардаев, С.Қодирхонов, Б.А.Ҳасанов, М.Умарова каби олимлар шуғултаниб келдилар ва келмокдалар. Бу олимлар ишлари мустақил мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилга оид фанларнинг ривожига қўшилган ўлкан ҳиссадир. Булардан ташқари «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», «Бозор, пул ва кредит» журналларида ўзбек ва рус тилларида 1991-2001 йилларда иқтисодий таҳлил муаммоларига бағищланган қатор илмий маколалар ҳам чоп этилди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлилга оид фанларнинг янги илмий мактаби яратилиб ривож томоқда.

Аммо ушбу қилинган ишлар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини такомиллаштиришга бағищланган бўлиб, уни бир бутун яхлит ҳолда ривожлантириш масаласи бирорта адабиётда батафсил кўриб чиқилган эмас. Бу ҳолат, ўз навбатида, иқтисодий таҳлил фанининг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ва Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлига мос назарий ва методологик асосни яратишни тақозо килади.

Иқтисодий гаҳлилни ҳозирги замон руҳида такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги, унинг иқтисодий адабиётларда ҳамон батафсил ўрганилмаганилиги ушбу мавзуда тадқикот ишларини олиб боришига, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга, предмети, обьекти ва методологиясини аниқлашга, таркибини такомиллаштиришга асос бўлди. Шу жиҳатдан асосий эътибор иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик асосини яратишга қаратилди.

**1.3. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга, Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига мос иқтисодий таҳлил фанининг такомиллашган таркибини, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини, уларни баҳолаш ва таҳлил килиш йўлларини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатdir.

Ушбу мақсадаги эришиш қўйидаги вазифаларни бажаришни тақозо килди:

- иқтисодий таҳлил фанининг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга мос такомиллашган таркибини ишлаб чиқиши;
- иқтисодий таҳлилнинг назарий асосини тадқиқ қилиб, уни эркин иқтисодиёт талабларидан келиб чиқкан ҳолда такомиллаштириш;
- эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ва уларни аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиши;
- корхона иқтисодий салоҳиятининг мазмуни, таркиби, уни ифодаловчи кўрсаткичларни, ҳамда уларни баҳолаш ва таҳлил килиш йўлларини кўрсатиб бериш;
- асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий фаоллар ва меҳнат салоҳиятининг иқтисодий салоҳият таркибига киришини, уларнинг

бир хил ўлчамда ифодаланиши мумкинлиги каби назарий тавсияларни илмий-методологик жиҳатдан асослаш;

- мазкур категорияларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг эркин иктиносидётга мос такомиллашган тизимини, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;

- корхона молиявий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг илмий-назарий асосини яратиш;

- корхона молиявий салоҳияти таркибига кирувчи ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бозор муносабатларига мос такомиллашган тизимини ишлаб чиқиш, уларни таҳлил қилишнинг методологик жиҳатини асослаш;

- бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигининг муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу категорияни ифодаловчи кўрсаткичларнинг янги тизимини, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини илмий-назарий жиҳатдан исботлаб бериш;

- корхоналарнинг иктисидой ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг эркин иктисидёт шароитида объектив зарурлигини асослаш, уларнинг таркибий тузилишини, таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;

- барча иктисидой кўрсаткичлар бир-бiri билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, уларни ҳам натижавий кўрсаткич, ҳам омил сифатида қараш лозимлигини асослаш;

- корхонанинг фаолиятини комплекс баҳолаш орқали рейтингини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

- барча кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини турли усулларни кўллаган ҳолда ҳисоблашнинг методологик асосини яратиш;

- иктисидой таҳлил фанининг янги модулини яратиш, унинг амалиётга кераклиги нуқтаи назаридан, иктисидётнинг барча бўғинларига кенг кўламда тадбик қилиш бўйича илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**1.4. Тадқиқотнинг предмети бўлиб иктисидётни эркинлаштириш ва бозор муносабатларининг шаклланиши босқичида иктисидётнинг микродаражасида (хўжалик юритувчи субъектлар - корхоналар доирасида) содир бўлаётган иктисидой жараёнларнинг илмий, назарий, методологик ва концептуал йўналишлари ҳисобланади.**

**1.5. Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида ўзига хос иктисидой тараққиёт йўлидан бораётган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни турли мулк шаклига асосланган эркин иктисидёт шароитига мос янги типдаги корхоналардир.**

**1.6. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида жамиятда содир бўлаётган иктисидой жараёнларни ўрганишда кўлланиладиган оламни билиш назарияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган қонун ва қоидалари, ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутк ва мақолалари, таъникили хорижий**

ва мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимларининг илмий-тадқиқот ишлари қўлланилди. Тадқиқот давомида иқтисодий таҳлил усулларини такомиллаштирища бухгалтерия хисобининг халқаро ва миллый андозаларига (стандартларга) ва шулар асосида ишлаб чиқилган бозор муносабатларини ўзида акс эттирган меъёрий хужжатларга ҳам асосланди.

Тадқиқот натижасида яхлит хulosага келиш ва мантикий бирбирига узвий боғлиқ бўлган илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиши мақсадида уни ўрганишга системали ёндошилди. Бунда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий-математик, статистик, таққослаш каби илмий-мантикий усулларидан ҳам кенг фойдаланилди.

**1.7. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.** Диссертацияда кўтарилган назарий, услубий ва концептуал масалалар иқтисодий таҳлил фанининг эркин иқтисодиёт шароитида ривожланиши учун уни тадқиқ қилишда назарий ва методологик жиҳатдан асос бўлади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, тадқиқот натижалари олий ва академик ўқув юртларида ўқув жараённида фойдаланиш учун янги дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратишда ҳам кўлланилиши мумкин.

**1.8. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида унинг объектив заруратидан келиб чиқади. Маъмурӣ буйруқбозлиқ исканжасидан холи эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатा�ётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз мулкини асраш, улардан самарали фойдаланиши ва кўпайтириши учун ўз фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қиласди. Ушбу тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таҳлил усулларидан фойдаланиш корхоналарнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш, улардаги мавжуд ички имкониятларни ахтариб топиш орқали хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарор тараққиётини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Конгаши ва Мажлиси томонидан қабул килинган катор қонунларда, ҳукумат қарорларида, айрим вазирликлар томонидан тасдиқланган услубий тавсияларда ўз аксини топган, қатор ҳукумат комиссияларга ва тегишли вазирликларга, кўплаб корхоналар фаолиятига тадбиқ қилиш учун топширилган.

Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий тавсиялар амалий маълумотлар билан асосланган бўлиб, уларнинг методологик йўналиши формуласлар, чизмалар ва жадвалларда аниқ кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижасида олинган назарий хulosалар ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ўқув жараёнига ва амалиётга боскичма-боскич тадбиқ килиниб келинган ва келинмоқда.

**1.9. Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш.** Тадқиқот давомида (1971-2001 йиллар) олинган натижалар, хулоса ва тавсиялар 56 та халқаро, Бутуниттифоқ, Республикалараро, Республика, тармок, худудий, олий мактаблараро, институт илмий, илмий назарий ва илмий-амалий анжуманларда 70 дан зиёт маъзуза ва чиқишилар килинган. Уларнинг асосий кисми маъзуза тезислари ва анжуман

материаллари шаклида чоп қилинган. Маърузаларда кўтарилган илмий-амалий тавсиялар анхуман хуносаларига киритилган ва тегишли идораларга жорий қилиш учун жўнатилган.

1975-2001 йиллар давомида Самарқанд кооператив институти. Лъвов савдо-иктисод институти, Москва молия академияси, ЎзР ФА Самарқанд бўлими каби илмий муассасаларда қилинган қатор илмий-тадқиқот ишларини бажаришда ҳам иштирок этилди. 1975-1978 йилларда Лъвов савдо иктисод институтида «Савдо корхоналарида меҳнат самара-дорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш муаммолари» мавзусини бажаришда, 1981-1985 йилларда Самарқанд кооператив институтида бажарилган «Савдода меҳнатнинг ижтимоий-иктисодий самара-дорлигини ошириш муаммолари» мавзусига, шу институтда 1986-1990 йилларда бажарилган «Савдода самара-дорлик, интенсивлик ва жадаллаштиришни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш муаммолари» ва «Савдода меҳнат ресурслари самара-дорлигини ошириш муаммолари» мавзуларига, Москва молия академиясида 1986-1990 йилларда бажарилган «Савдода ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш ва ўзини-ўзи молиялаштиришни муаммолари» ва «Кооператив савдода иктиносидий ўсишининг сифат кўрсаткичлари ва ўзини-ўзи маблаг билан таъминлашни таҳлил қилиш методологияси» мавзуларига, 1991-1995 йилларда Самарқанд кооператив институтида бажарилган «Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг иктиносидий таҳлилини такомиллаштириш» мавзусига, шу институтда 1996-2000 йилларда бажарилган «Молиявий таҳлилини такомиллаштириш муаммолари» мавзусига раҳбарлик килинди. ЎзР ФА Самарқанд бўлимида бажарилаётган «Меҳнат ресурсларини жойлаштириш ва самара-дорлигини оширишнинг минтақавий муаммолари» ва «Меҳнат унумдорлигининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва уни ошириш йўллари» мавзидаги илмий-тадқиқот ишларида ҳам бажарувчи сифатида иштирок этилмоқда.

Илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича ўкув жараёни ва амалиётга 52 та илмий, илмий-услубий тавсиялар жорий қилинди.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ахолини сув билан таъминлаш тўғрисида», «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Фуқароларнинг даромадларини деклорациялаш тўғрисида» каби қонунларини ишлаб чиқишида ва уларни такомиллаштиришда қўлланилди (ЎзР Олий Кенгаши Иктиносидий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитасининг 1994 йил 29 апрелдаги 04/1 рақамли ва 1994 йил 22 ноябр 04-1/14 рақамли маълумотномалари).

Бирканча тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2001 йил 15 августанда берилган ТД 17-19/757<sup>a</sup> рақамли маълумотнома), Давлат Солиқ Қўмитаси (2000 йил 17 августанда берилган 08/2-5060 рақамли маълумотнома) ва Ўзбекистон Республикаси «Ўзматлуботсавдо» ассоциациясига (2001 йил 25 декабрда берилган МС-7/150 рақамли маълумотнома) қарашли корхона ва ташкилотларда бухгалтерия

хисоботи ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришда амалиётга жорий килиш учун қабул килинди.

Собиқ Йттифоқ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қосида ташкил қилинган ўкув услугуби бирлашмаси (ЎУБ) томонидан 1990 йилда 06.08 «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили» мутахассисликлари учун «Матлубот кооперацияси корхона ва ташкилотлари хўжалик фаолиятининг таҳлили» (Москва 1990) Собиқ Центросоюз-нинг Марказий ўкув услугубий комиссияси томонидан 17.29 «Савдо иқтисоди» мутахассислиги учун «Хўжалик фаолияти таҳлили» (Москва, 1987) каби намунавий ўкув дастурларини тайёрлаб ўкув жараёнига тадбик этишга муваффақ бўлинганд.

Илмий-назарий хуласалар асосида иккита дарслер ва ўндан зиёт ўкув қўлланмалари чоп этилган бўлиб, улар олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар тайёрлашда фойдаланилмоқда.

**1.10. Тадқикот мавзуси бўйича эълон қилинган ишлар рўйхатининг асосий қисми мазкур ишнинг охирида келтирилган.** Ҳаммаси бўлиб ҳажми 500 б.т. га якин 430 дан ортиқ дарслер, ўкув қўлланмалар, монография, илмий мақолалар ва бошқа ўкув-услубий ишлар чоп этилган.

**1.11. Илмий ишнинг таркибий тузилиши.** Диссертация кириш, икки қисм, олтига боб, хуласа, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 323 бетни ташкил қиласди. Ундаги иловалар сони 56 та жадвал, матн, диограмма ва чизмалардан иборат.

Ишнинг кириш қисмida тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ҳамда методологик асоси ёритилган.

Диссертациянинг **биринчи қисми** эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий муаммоларига бағишлиланган бўлиб у иккита бобдан иборат.

Унинг **биринчи бобида** иқтисодий таҳлилнинг предмети, обьекти ва методининг (усулининг) назарий асослари ҳамда корхоналарни бошқаришдаги ўрни, вазифалари ва уни ташкил этиш масалаларига бағишлиланган.

Ишнинг **иккинчи боби** эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузулиши ва унда қўлланиладиган кўрсаткичларни такомиллаштириш муаммоларига бағишлиланган бўлиб, унда кўрилган масалалар мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ёритилган.

Тадқиқотнинг **иккинчи қисми** бевосита эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг методологик муаммоларига каратилган бўлиб, тўртга бобни ўз ичига олади.

Ишнинг **учинчи боби** эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишининг методологик муаммоларини ҳал қилишга бағишлиланган бўлиб, уни иқтисодий салоҳиятни баҳолашнинг назарий ва методологик масалалари, уни

ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни таснифлаш ва аниқлаш йўллари ҳамда унинг самарадорлигини ошириш учун ушбу кўрсаткичларнинг омилли таҳлили қараб чиқилган.

Диссертациянинг **тўртинчи боби** эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг молиявий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг методологик муаммоларига, хусусан, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни таснифлаш, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ҳамда молиявий салоҳият самарадорлигини баҳолаш ва унга таъсир килувчи омилларни аниқлаш усуулларига багишланган.

Тадқиқотнинг **бешинчи бобида** эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини таҳлил қилишнинг назарий ва методологик муаммолари қараб чиқилган бўлиб, унда мазкур кўрсаткичларни баҳолашнинг объектив зарурати, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни таснифлаш, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Ишнинг **олтинчичи боби** эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг методологик муаммоларига бағишиланган. Унда мазкур категорияни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни таснифлаш, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўриб чиқилган.

**Хуносада** тадқиқот натижасида олинган асосий хуносалар ва иқтисодий таҳлилни ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ўз ифодасини топган.

## **II. ҲИМОЯГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ.**

Тадқиқотнинг илмий янгилиги иқтисодий таҳлилнинг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитига, Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига, иқтисодиётнинг ҳозирги боскичи ва келажак истиқболига мос назарий ва методологик масалаларини ишлаб чиқишидан иборатдир. Ушбу кенг камровли масалаларнинг аниқечими кўйидаги илмий-назарий хуноса ва тавсияларда ўз аксини топган:

### **2.1 Иқтисодий таҳлил назариясини такомиллаштириш бўйича:**

- иқтисодий таҳлилнинг бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётта ва Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига, бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мос илмий-назарий хуносалар билан бойитилган такомиллашган таркибий тузилиши ишлаб чиқилди;

- иқтисодий таҳлил таркиби, унинг назарияси, молиявий таҳлил ва бошқарув таҳлилларидан иборат эканлиги назарий жиҳатдан асосланди;

- иқтисодий таҳлилнинг предмети, методи ва вазифалари бугунги бозор муносабатлари нуқтаи назаридан, тарихий жиҳатдан тадқик қилиниб, мазкур тушунчаларнинг мазмуни бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт талабларига мос ҳолда очиб берилди;

- корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи ва функциялари илмий-назарий жиҳатдан асосланди;
- иқтисодий таҳлилда кўлланиладиган кўрсаткичлар таркибига корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини, меҳнат салоҳиятини, молиявий барқарорлигини ифодаловчи бирканча янги кўрсаткичларни киритиш лозимлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланди, ушбу кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил килишининг назарий ва методологик муаммоларини ҳал килиш йўллари ишлаб чиқилди;
- корхона рейтингини аниқлаш ва унинг самарадорлигини ошириш учун ички имкониятларни кидириб толища комплекс баҳолаш усуслари тавсия қилинди;
- натижавий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашда унга боғлик кўрсаткичлар тизимидан омилли таҳлил учун математик моделини тузиш йўллари илмий-назарий жиҳатдан асосланди.

## **2.2. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил килишини тақомиллаштириш бўйича:**

- корхонанинг хўжалик фаолиятини баҳолаш ва таҳлил килиш учун кўрсаткичлар таркибига янги «Иқтисодий салоҳият» ва «Молиявий салоҳият» тушунчалари киритилди.
- иқтисодий салоҳият кўрсаткичининг мазмуни назарий жиҳатдан асосланиб, унинг таркиби асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳиятидан иборат эканлиги, ушбу кўсаткичларни таҳлил килишда уларни бир хил ўлчамда ифодалаш мумкинлиги, мазкур кўрсаткичларни алоҳида ва комплекс тарзда таҳлил килишининг методологик йўллари ишлаб чиқилди;
- асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг тақомиллашган тизими, уларни баҳолаш ва таҳлил килиш йўллари, ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашнинг янги моделлари ва усуслари тавсия қилинди;
- корхона молиявий салоҳиятининг мазмуни ва таркиби асосланди, унинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлардан иборат эканлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, шу кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил килишининг назарий ва методологик жиҳатлари асосланди;
- корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари, уларга таъсир қилувчи омиллар таҳлили ишлаб чиқилди.

## **2.3. Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил килишини тақомиллаштириш бўйича:**

- корхона молиявий барқарорлигининг иқтисодий мазмуни асосланди, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таснифи ишлаб чиқилди;

- корхона молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усулари тавсия килинди;

- мазкур кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари яратилди.

**2.4. Корхонанинг мустаҳкамлиги ва банкrottлигини ифодаловчи кўрсаткичларни такомиллаштириш бўйича:**

- эркин иқтисодиёт шароитида корхонанинг мустаҳкамлигини иқтисодий ва молиявий жиҳатдан баҳолаш лозимлиги асосланди;

- корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи янги кўрсаткичлар тизими, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди;

- корхонанинг иқтисодий ночорлигини ва банкrottлик ҳолатини баҳолаш йўллари тадқиқ қилиниб, уларнинг такомиллашган усуллари тавсия килинди.

**2.5. Иқтисолий таҳлил фанининг ривожланиши истиқболини белгилаш бўйича:**

- иқтисодий таҳлил фанини келажакда ривожлантириш учун, унинг янги таркиби бўйича тадқиқ қилиш лозимлиги, уни фойдаланувчиларнинг талабидан келиб чиқсан ҳолда бажариш зарурлиги, унинг турлари ва шаклларини такомиллаштириш муҳимлиги асосланди;

- иқтисодий таҳлилнинг аҳборот манбайини такомиллаштириш, молиявий ҳисоботларни келажакда таҳлил талабига мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- иқтисодий таҳлил фанини мустақил фан сифатида олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида барча иқтисодиётга оид ўкув йўналишларида ўқигиши лозимлиги асосланди ва ушбу фаннинг янги ўкув-услубий модули ишлаб чиқилди ҳамда шу асосда дарслик ва ўкув қўлланмалар нашр этилиб, унинг эркин иқтисодиёт шароитида ривожланиши учун тегишли назарий асос яратилди.

### **III. ХИМОЯГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ИЛМИЙ ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни бевосита кўп мулкчиликка асосланган иқтисодий тизимнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Бундай шароитда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект<sup>3</sup> ўз мулкининг эгаси, хўжалик фаолиятининг раҳбари, унинг иқтисодий ва молиявий барқарор таракқиётини таъминлашнинг масъулидир. Бу жараён, бир томондан, ҳар бир корхонага эркинликни таъминласа, иккинчи томондан, унинг масъулиятини оширади. Бу масъуллик корхонанинг хўжалик фаолиятини узлуксиз таҳлил қилиб боришни тақозо қиласди. Аммо бозор муносабатларига

<sup>3</sup> Келгусида корхона деб юритилади

асосланган эркин иқтисодиётта мос иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари: предмети, методи, вазифалари, таркиби, таснифи, кўлланиладиган кўрсаткичлар тизими каби муҳим жиҳатлари ҳамон тўлиқ ўрганилган эмас. Ушбу тушунчаларнинг хозирги замон талабига жавоб берадиган таърифлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида корхонанинг хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иктисодий ҳодисаларнинг натижасини ўрганадиган фан - бу, иқтисодий таҳлил фанидир. Ушбу фаннинг бозор муносатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитига мос келадиган предметининг назарий жиҳатдан асосланган таърифи ишлаб чиқилди. Бунда унинг кўйидаги талабларга жавоб бериши инобатга олинди.

Биринчидан, у эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ўзида ифодалани керак.

Иккинчидан, иқтисодий жараёнларга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг ўрганилиши кўриниш туриши лозим.

Учинчидан эса, у ўз чегарасига, фаолият доирасига эга бўлиш учун бутун хўжалик фаолиятидан ўзига тегишли соҳани ажратиб кўрсатиши мақсадга мувоғик. Бунда корхоналар хўжалик фаолиятида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва ҳодисалар натижасининг маълумотлар манбаида ифодаланган ахборотларни ҳам инобатга олиш зарур.

Бу борада чоп қилган ишларимизда<sup>4</sup> ҳам айтилган эди. Уни такомиллаштириб юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб иқтисодий таҳлил фани предметига кўйидагича таъриф берилди. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда эркин иқтисодиёт шароитида ишлаб бўлаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг (корхоналарнинг) хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва ҳодисалар натижаларининг маълумотлар манбаида (режа, хисоб, хисобот ва бошқалар) ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) орқали, унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқишини ўрганиш тушинилади.

Иқтисодий таҳлилнинг ушбу таърифини назарий жиҳатдан кўйида-гича исботлаш мумкин. Иқтисодий таҳлилнинг предметида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар алоҳиша ўрин тутади, чунки иқтисодий жараёнлар ўз - ўзидан содир бўлмайди. Улар маълум ички ва ташқи омиллар таъсири остида рўй беради. Шу омиллар таъсирини бошқа фанлар ўргатмайди. Бу факат мазкур фанда ўрганилди ва унинг предметининг асосини ташкил қиласди.

Тадқикотлар кўрсатдики, иқтисодий таҳлилнинг предметини ўрганицида фақат содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан

<sup>4</sup> Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилнинг предмети, методи ва унда кўлланиладиган усуслар. Самарқанд. СамКИ, 1999. - 3 бет. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари. - Самарқанд. СамКИ. 1999. - 3 бет. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарсллик. Самарқанд «Зарафшон» нашр. - 2001. - 9 бет.

чекланиб қолиши мутлако етарили эмас экан. Таҳлилдан мақсад мавжуд натижага одилона баҳо бериш билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни келгусида бартараф килиш ва шу орқали таҳлил килинаётган объектнинг иктиносидий ва молиявий аҳволини яхшилашдан иборатдир. Бу эса содир бўлган ва бўлаётган жараёнларга тўғри баҳо бериб, бўладиган жараёнлар андозасини ҳам кўрсатиб беришини тақозо килади. Бу хулоса таҳлилнинг предмети ўтган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иктиносидий жараёнларни ўз ичига қамраб олишини кўрсатади.

Маълумки, барча ижтимоий-иктиносидий жараёнлар натижаси кўрсаткичларда ифодаланади. Кўрсаткичлар эса асосан маълумотлар манбаида (режаларда, меъёrlарда, ҳисобларда, ҳисоботларда ва ҳ.к.) ўз аксини топади. Иктиносидий жараёнлар якка-якка бўлиб эмас, балки бир-бирига диалектик боғлиқ равища бирданига содир бўлади. Унинг ҳар бир жихати алоҳида кўрсаткичларда ифодаланади. Шу туфайли хўжалик фаолиятини ўрганишда битта кўрсаткич эмас, балки кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида таҳлил предметини ўрганишда маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар системасига асосланиш заруратини келтириб чиқаради.

Маълумки, жамиятда содир бўлаётган иктиносидий жараёнларни ўрганадиган жуда кўп иктиносидий фанлар мавжуд. Лекин уларнинг ичида таҳлил фани хўжалик фаолиятининг натижасига одилона баҳо бера олади. Ўндаги изжобий ва салбий ўзгаришларга омиллар таъсирини аниклайди. Шуларга асосан хўжалик фаолиятини яхшилаш йўлларини ишлаб чиқади. Бу хусусиятлар фақат таҳлилга хос бўлганлиги учун ҳам унинг предметида натижага тўғри баҳо бериш ва яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатилган.

Ҳар қандай фаннинг назарий асосини таҳкиқ қилганда унинг методини (усулини) ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар бир - бири билан узвий боғлиқ ва алоқададир. Бу эса ўрганилаётган объектга диалектик нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилади. Иктиносидий таҳлил фани методининг ижтимоий-иктиносидий моҳияти бутунги бозор муносабатлари ва эркин иктиносидётга мос ҳолда назарий жиҳатдан тўғри ҳал килинган эмас. Шу туфайли ушбу масалага атрофлича тўхталиб, турли иктиносидчи олимларнинг фикрларини тарихий жиҳатдан таҳкиқ қилиб, иктиносидий таҳлил фани методининг таърифини ишлаб чиқиши учун унинг бир қанча талабаларга жавоб бериш лозимлиги асосланди:


- 1) ҳар қандай фан методининг назарий асоси бўлиши керак;
- 2) унда нимани ўрганиши, унинг қаерда ва қайси кўрсаткичлар билан ифодаланиши кўриниб турмоги лозим;
- 3) мазкур фан қайси обьектни ва қайси даврни ўз ичига олган ҳолда ўрганиши ҳам аниқ бўлиши керак;
- 4) нима мақсадда амалга оширилиши ўз ифодасини топмоғи даркор;
- 5) шу мақсадни амалга ошириш учун нималар килиниши алоҳида таъкидланиши лозим.

Ана шу талабга жавоб берадиган қоида, фикримизга, иқтисодий таҳлил фани методининг мазмунини тўлиқ ифода қиласди. Бу назарий хуросадан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлил фанининг методига қуидагича таъриф берилди. “Иқтисодий таҳлилнинг методи диолектик методга асосланган бўлиб, унинг предметини мокон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими (системаси) асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш, мавжуд ички ва ташки имкониятларни (резервларни) аниқлаш, объектнинг самарадорлигини ошириш, унинг иқтисодий курдатини юксалтириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қўлланиладиган усуллар мажмуддан иборатdir”.

Бизнинг фикримизча ушбу таъриф иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилга қуйиладиган барча назарий ва амалий талабларга жавоб беради.

Тадқиқот натижасида иқтисодий таҳлилнинг эркин иқтисодиётта мос вазифаси белгилаб берилди ва уларнинг ҳар бири илмий-назарий жиҳатдан асосланди.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида «Иқтисодий таҳлил» фани иқтисодиётга оид мутахассисликни шакллантирувчи муҳим фанлардан бирига айланди. Аммо унинг **таркибий тузилиши** ҳамон асосланган эмас. Бизнинг фикримизча, иқтисодий таҳлил фани учта таркибий қисмдан: иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий таҳлил ва бошқарув таҳлилидан иборат бўлмоғи ва уларнинг ҳам ҳар бирининг таркиби бугунги эркин иқтисодиётта мос ҳолда такомиллашмоғи лозим (1-чизма).



1-Чизма. Иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилиши.

Ишда иқтисодий таҳлилнинг ҳар бир қисмига қайси масалалар киритилиши исботланди ва тавсия қилинди.

Тадқиқот натижаси шуни қўрсатдики, ҳамон **иқтисодий таҳлил назарияси** фанининг таркиби бўйича олимлар бир қарорга келолган эмас. Унда қаралиши лозим бўлган бобларни ҳар бир муаллиф ёки мактаб олимлари турлича талқин кильмоқда.

«Иқтисодий таҳлил назарияси» фанининг таркибий тузилишини асослаш учун ҳозиргача мавжуд адабиётлар гадқик қилинди ва унинг Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган иқтисодий таракқиёт йўлига мос таркибий тузилиши ишлаб чиқилди. Мазкур фан бобларини шакллантиришда куйидаги талабларни инобатга олиш лозимлиги асосланди. Булар жумласига:

- шу фаннинг амалий қисмида кўрилмайдиган, аммо уни ўрганишда методологик асос бўладиган масала ёритилиши;
- шу фаннинг ўзига хос хусусиятини очиб берадиган саволларнинг мавжудлиги;
- шу фаннинг тарихи ва истиқболини белгилаб берувчи жиҳатларининг ифодаланиши;
- мазкур фанининг бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни каби масалаларни киритиш мумкин.

Иқтисодий таҳлил назариясининг муҳим жиҳатларидан бири унинг турлари ва шакллариdir. Аммо ушбу масала иқтисодий таҳлилга бағишлиган адабиётларда ўз ечимини топган эмас. Жуда кўп адабиётларда уларни фарқламасдан, иқтисодий таҳлилнинг турларини шакли билан аралаштириб юбормоқда. Ишда, бу бўйича барча олимларнинг қарашлари тадқиқ қилиб, иқтисодий таҳлил турларини тўққизта белгиси бўйича таснифлаш лозимлиги тавсия қилинди ва шу билан бирга уларнинг шаклларига нималар кириши ҳам назарий жиҳатдан асосланди.


Кундалик ҳаётимизда узлуксиз содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар тўғрисида маълум тушунчага эга бўлиш учун қўрсаткичлар тизимидан фойдаланиллади. Жамият миқёсида ва унинг ҳар бир бўғинида содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни бошқариш ҳам иқтисодий қўрсаткичлар орқали амалга оширилади.

Аммо иқтисодий қўрсаткичлар тушунчаси иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шу билан бирга уларнинг вазифалари ва функциялари ҳам назарий жиҳатдан ўрганилмаган.

Шу туфайли иқтисодий қўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни қўрсаткичининг тушунчасини аниқлашдан бошлашни лозим, деб топдик.

Иқтисодий қўрсаткич деганда жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ракамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан атaluвчи тушунчага айтилади.

Иқтисодий қўрсаткичлар, ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, куйидаги функцияларни бажаради: билдириш, бошқариш, назорат қилиш, рафбатлантириш, тарбиялаш (2-чизма).



## 2-Чизма. Иқтисодий кўрсаткичларнинг функциялари.

Ишда иқтисодий кўрсаткичлар функцияларининг тавсифи назарий жиҳатдан атрофлича ёритилган.

Корхоналар хўжалик фаолиятини чукур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Аммо иқтисодий адабиётларда ўзимизга хос, эркин иқтисодиёт шароитига мос кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилмаган. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ ифодалаш учун уларнинг таркиби ва таснифи асосланди (3-чизма).


Ушбу кўрсаткичлар йирик иккита блокдан иборат бўлиб, биринчи блок (1-3 гурухлар) иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун моддий ва молиявий манбалар билан таъминланишини ифодаловчи кўрсаткичларни ўз ичига олади. Иккинчи блокда (4-5 гурухлар) эса, бевосита иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаси билан боғлик кўрсаткичлар ифода этилган.

Биринчи блокда иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун унинг моддий асоси бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар ўз ичига меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва меҳнатнинг ўзини ҳамда номоддий активларни олади. Буларнинг молиявий таъминоти, яъни маъбаи билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам алоҳида гуруҳда ифодаланган. Бу эса, унинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларда ўз аксини топади. Ҳаммаси мавжуд бўлгач, иқтисодий жараённинг содир бўлиши учун маълум микдорда ҳаражатлар талаб қилинади. Буларнинг ҳаммаси корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишини таъминлайдиган манбалардир.

Иккинчи блокда бевосита шу иқтисодий жараёнларни ва унинг натижаларини баҳолашга қаратилган кўрсаткичлар туркуми ифодаланган.

Кўрсаткичларнинг ушбу тизими иқтисодий таҳлилнинг таркибий кисми бўлган молиявий таҳлилнинг асосий мазмунини ташкил қиласди. Факат шуну инобатга олиш лозимки, биринчи блокнинг 3-бандидаги ҳаражатлар билан боғлик кўрсаткичларнинг умумий ҳажми молиявий таҳлилца, уларнинг таркибий тузилиши алоҳида турлари бўйича бошқарув таҳлилида ўрганилади.

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароити талабларидан келиб чиқиб, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда **иқтисодий салоҳият** категориясини қўллаш, унинг тушунчаси ва таркибини тубдан янгилаш лозимлиги назарий жиҳатдан асосланди.



**З-Чизма. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимининг иқтисодий мазмуни бўйича таҳнифи**

Эндиликда корхонада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди, чунки уларнинг таркибига номоддий активлар кирмайди. Шу туфайли уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деб аташни тавсия килмоқдамиш.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деганда, унда содир бўладиган молиявий-хўжалик фаoliятини (иктисодий жараёнларни) тўлиқ таъминлашада бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушунилади. Буларнинг таркибий тузилишини куйидаги чизмада кўриш мумкин (4-чизма).



#### *4-чизма. Корхона иқтисодий салоҳиятининг (потенциалининг) таркибий тузилиши*

Корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг турли йўллари ишлаб чиқилди. Унинг умумий ҳажмини аниклаша тўлиқ қиймати, келтирилган харажатлар ва жорий харажатлар шаклида хисоблаш йўллари асосланди.

Корхона иқтисодий салоҳияти таркибига кирадиган асосий воситалар, айланма маблағлар ва номоддий активлар қиймати бухгалтерия балансида ифодаланади. Аммо меҳнат салоҳиятининг умумий ва келтирилган қийматининг пулдаги ифодаси ҳали бухгалтерия ёки статистик хисоб ва хисоботларда ифдаланмайди. Аммо корхона иқтисодий салоҳиятининг умумий қийматини аниклаш учун меҳнат салоҳиятининг ҳам шунга тенглаштирилган қийматини аниклашни тақозо киласди. Буни инобатга олиб ишда меҳнат салоҳиятининг умумий ҳажмини, келтирилган қийматини ва харажатлар бўйича жорий қийматини аниклаш усувлари ишлаб чиқилди.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) келтирилган **харажатлар** ( $K_{P^X}$ ) нуқтаи назаридан ҳисоблаш унинг қанча кисми шу ҳисобот даврида янгидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киришини аниклаш учун зарур бўлади. Бунда айланма маблагларнинг тўлиқ сўммаси, асосий воситалар ва номоддий активларнинг шу жорий йил давомида эскириш сўммасини ва ишчи ва хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи ( $M_x$ ) сўммасини олиш мумкин. Буни аниклаш учун кўйидаги формулани тавсия қиласиз:

$$K_{P^X} = (A_v \cdot A_n) + (A_m \cdot K_a) + (N_a \cdot E_n) + M_x$$

Бунда:  
*A<sub>v</sub>* - асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;  
*A<sub>m</sub>* - айланма маблагларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;  
*K<sub>a</sub>* - айланма маблагларнинг айланувчанлик коэффициенти (марта);  
*N<sub>a</sub>* - номоддий активларнинг ўртача қиймати;  
*A<sub>n</sub>* - асосий воситаларнинг эскириши (амартизация)  
нормаси;  
*E<sub>n</sub>* - номоддий активларнинг эскириши нормаси;  
*M<sub>x</sub>* - меҳнатга тўланадиган ҳақ сўммаси (ижтимоий  
сугурта билан).

Бу корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг жорий даврида ишлатилиши мумкин бўлган қийматини ифодалайди.

**Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими** ва уларнинг назарий жиҳатдан асосланган таснифи ишлаб чиқилди. Уларни кўйидаги гурухларга бўлиш тавсия килинди. Иқтисодий салоҳият:

- ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу гурухлар бўйича ҳар бир кўрсаткични аниклаш йўллари ҳам ишлаб чиқилган (1-жадвал).

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ҳар қандай кўрсаткични яхшилаш учун, унинг ички имкониятларини ахтариб топишни тақозо киласди. Буни инобатга олиб ишда корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил килиш усуллари, уларнинг самарадорлигини баҳолаш йўллари ҳамда омиллар таъсирини аниклашнинг методологик жиҳатлари ишлаб чиқилади.

Эркин иқтисодиёт шароитида **корхона молиявий салоҳияти таҳлили** иқтисодий таҳлилнинг таркибий кисмини ташкил қилмоғи лозим. Зеро, иқтисодиётни эркинлаштириш ва кўпмулкчиликнинг шаклланиши ҳар бир корхона мулкининг манбасини мазмун жиҳатидан ўзгаришига олиб келди. Олдин корхонанинг «ўз маблағи» ҳам, «четдан жалб килинган маблағи» ҳам давлатники эди. Энди «ўз маблағи» ўзиникига, четдан жалб килинган маблағлар бирорникига айланди. Бу эса ҳар бир корхонада мөддий ва номоддий маблағлар манбаи **Бўлган**,

## 1 - Жадвал

**Корхона иқтисодий салоҳиятини (Ис) ифодаловчи  
кўрсаткичларнинг мазмуни ва аниқланishi йўллари**

Кўрсаткичлар- нинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
<b>1. Ис. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар</b>			
1.1. Ис.умумий ва ўртача кыймати	Таҳлил даврида Ис. сўм- масининг ўртача неча сўм эканлигини ифода- лайди	Ис.иб + Ис.йо ----- 2	$[(310_{\text{иб}} + \text{Мс}) +$ $+(310_{\text{ю}} + \text{Мс})] / 2$ Ме- меҳнат салоҳияти
1.2. Ис.нинг таркибий тузилиши	Ис. ҳар бир моддасининг (Ис.) умумий сўммадаги улушини ифодалайди	Исі ----- x 100 Ис	110 / (310+Мс) ва х.к.
1.2.1. Ав.нинг Ис. умумий сўм- масидаги улуши	Ав.нинг Ис. умумий сўм- масида неча фоиз таш- кил қилишини кўрсатади	Ав ----- x 100 Ис	012 / [(310+Мс)x x100]
1.2.2. Айм.нинг Ис. умумий сўм- масидаги улуши	Айм.нинг Ис. умумий ҳажмida неча фоиз таш- кил қилишини ифода- лайди	Айм ----- x 100 Ис	300 / [(310 + +Мс)x100]
1.2.3. На.нинг Ис. умумий сўм- масидаги улуши	На.нинг Ис. умумий сўм- масида неча фоиз таш- кил қилишини кўрсатади	На ----- x 100 Ис	022 / [(310 + +Мс)x100]
1.2.4. Мс.нинг Ис. умумий сўм- масидаги улуши	Меҳнат салоҳиятининг Ис. умумий сўммасида неца фоиз ташкил қилишини ифодалайди	Мс ----- x 100 Ис	Мс / [(310 + +Мс)x100]
1.3. Ис. тарки- бига киравчи моддалар ҳола- тини ифодалов- чи кўрсаткичлар	Ис. таркибига киравчи ҳар бир моддаси (Ав. Айм. На. Мс.) бўйича уларнинг ҳола- тини ифодаловчи кўрсаткич- лар тизими тегишли мод- далар таҳлил қилинганда алоҳида тасвирланади.	Ушбу кўрсат- кичлар тегишли моддаларни таҳлил қилган- да аниқланади.	Бирқанча турухлари бўйича
<b>2. Ис. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар</b>			
2.1. Корхона ак- тивларининг Ис. билан таъмин- ланганлиги	1 сўм корхона активлари сўммасига қанча Ис. сўммаси тўғри келган- лигини кўрсатади	Ис ----- Б	(310+Мс) / 310
2.2. Мс.нинг Ис. билан таъмин- ланганлиги	1 сўм меҳнат салоҳияти кыйматига қанча Ис. сўммаси тўғри келган- лигини ифодалайди	Ис ----- Мс	(310+Мс) / Мс

2.3. Ис. таркиби га киравчи моддалар билан тъминланганикни ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис.нинг таркибига киравчи ҳар бир моддаси билан тъминланганикни ифода этадиган кўрсаткичлар тизими Ав. Айм. На. Мс. кўрсаткичлар ўрганилганда алоҳида тасвирланади.	Ушбу кўрсаткичлар Ис.нинг тегишли моддаларини таҳлил килганда аникланади.	Бирқанча гурухлар бўйича
<b>3. Корхона Ис. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар</b>			
3.1. Ис. рента-беллиги	100 сўм иктиносидий салоҳият кийматига неча сўм фойда тўғри келишини ифодалайди	Ф ----- x 100 Ис	200 2-ш / (310 + Mc)
3.2. Ис. даромадлилиги	100 сўм Ис. кийматига неча сўм даромад тўғри келишини ифодалайди	Д ----- x 100 Ис	050 2 ш / (310+ + Mc)
3.3. Ис. натижавийлиги	1 сўм Ис. кийматига неча сўм натижавий кўрсаткич (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти ва х.к.) тўғри келишини кўрсатади	Q Ис.	010 2ш / (310 + + Mc)
3.4. Ис. таркиби га киравчи моддалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига киравчи моддалар (Ав. Айм. На. Мс.) самарадорлигини ўрганишда кўрсаткичлар тизими шаклида фойдаланилади.	Ушбу кўрсаткичлар Ис.нинг тегишли моддаларини таҳлил килганда аникланади	Бирқанча гурухлари бўйича

унинг молиявий салоҳиятини таҳлил қилишни тақозо қиласди.

Иктиносидий таҳлил фанида «корхонанинг молиявий салоҳияти» тушунчаси янги бўлганлиги туфайли унинг қоидаси, яъни таърифи ишлаб чиқилди. Корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) деб унинг фаолиятини тўлиқ тъминлайдиган турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлар мажмуига айтилади.

Корхонанинг молиявий салоҳияти, таъкидланганидек, икки қисмдан яъни ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлардан иборат.

Корхонанинг ўз маблағи иктиносидий мазмуни бўйича қўйилган капитални ташкил қиласди. Лекин корхона ўз фаолияти давомида фойда олиб бир қисмини ўзининг низом жамгармасига ҳам ўтказиб боради. Бундай маблағлар тўплangan капитал деб айтилади. Демак, корхонанинг ўз маблағи икки гурухдан, яъни қўйилган ва тўплangan капиталдан иборатdir.

Корхонанинг четдан жалб қилинган маблағлари қайталиш муддатига қараб узоқ муддатли ва қисқа муддатли четдан жалб қилинган

маблағларга бўлинади. Ишда уларнинг таркибий тузилиши, иқтисодий мазмуни очиб берилган.

Ҳар бир жараённи, иқтисодий категория ёки тушунчани иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш учун уларни кўрсаткичларда ифодалаш лозим. Шу туфайли молиявий потенциални таҳлил қилинча унинг анча кенг қамровли тушунча эканлигидан келиб чиқиб, уни тўлиқ ва батафсил ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш маъсадга мувофиқлиги асосланди. Бирок, кўрсаткичлар тизими бу бир қанча кўрсаткичлар тўплами эмас, балки бир-бирига боғлик бўйган кўрсаткичлар гурухидан иборатdir. Бундан келиб чиқиб, кўрсаткичлар тизими деганда бир категорияга мансуб бир қанча кўрсаткичларни маълум белгилари бўйича аниқ гурухларга бўлинган кўрсаткичлар туркуми тушунилиши исботланди.

Молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан икки гурухга: молиявий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; молиявий салоҳият самараదорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга бўлиш тавсия қилинган (5-чизма).



#### *5-Чизма. Корхона молиявий салоҳиятини (потенциалини) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими*

Ишда корхонанинг молиявий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар гурухининг ҳар бири алоҳида-алоҳида қараб чиқилган.

Молиявий салоҳият (Mc) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга маълум бир даврда улар қай аҳволда эканлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар кириши, унинг умумий ҳажми, таркиби тўгрисидаги маълумотларни айнан шу ҳолатини таҳлил қилиш йўли билан аниқлаш мумкин-

лигини ва мазкур гурух кўрсаткичларнинг яна икки гурухга: Ms. холатининг ўз маблағлари билан боғлик кўрсаткичлари; Ms. холатнинг четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлик кўрсаткичларига бўлиниши исботланган.

Хар иккала гурух кўрсаткичларига ҳам бир қанча алоҳида кўрсаткичларнинг кириши ҳам асосланган.

**Молиявий салоҳият самарадорлигини** ифодаловчи кўрсаткичлар асосан унинг қандай фойдаланаётганидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичларни аниклаш учун натижани молиявий потенциалнинг ўртacha йиллик қийматига бўлиш йўли билан аникланишини ва уларнинг бир қанча гурухларга: Ms. самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар; Ms. самарадорлигини ифодаловчи ўз маблағлари билан боғлик кўрсаткичлар; Ms. самарадорлигини ифодаловчи четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлик кўрсаткичларга бўлиниши исботланган.

